20 ДЕК 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

19 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ. ЯКШАНБА № 289 (2.695). Баҳоси 3 тийин.

БУГУН—ҲОСИЛ БАЙРАМИ, ЗАФАР БАЙРАМИ

ЎЛКАМИЗ АРМУҒОНИ

А. А. УРКИНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри

Яна бир неча кундан сўнг совет халқи Совет Социалистик Республикалари ташкил этилган кунинг шонли 60 йиллигини нишонлайди. Бу қутлуғ байрамни республикамиз меҳнаткашлари қувончли меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланди. Бу юксак мукофот республикамизда доимий сақлаш учун қолдирилади.

Мамлакатимиз юбилейи йилида республикамиз деҳқонлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, мўл пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар.

Бу йил қишлоқ меҳнаткашлари учун осон бўлмади. Баҳорда бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликлар, довуллар, жала ва дўл ёз фаслидаги мислсиз жазирама, куз фаслидаги ёмғир ва қорлар пахтакорларимизга катта қийинчиликлар туғдирди. Аммо бузилмас интернационал дўстлик Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг ўзаро ёрдами туфайли биз табиат қийинчиликларини мардонавор енгдик ва Ватан олдидаги интернационал бурчимизни шараф билан бажардик. Она-Ватан ўзбек деҳқонларидан олти миллион тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди.

Партия ташкилотларининг даъватига жавобан шаҳар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари деҳқонларга ёрдам бериш учун отландилар. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, ҳосилни териб олдилар. Бир мисқол ҳам ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка, битта чаноқни ҳам ерда қолдирмасликка интилдилар.

Албатта, «оқ олтин» учун бўлган курашда механизаторлар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Дала гвардиячилари фидокорона меҳнат намуналарини намойиш қилдилар. Далаларда 34 мингдан зиёд пахта териш машинаси, кўплаб бошқа техника ва транспорт воситалари ишлатилди. Механизаторлар ҳар бир қулай фурсатдан самарали фойдаланиб, жами ҳосилнинг қарийб 60 процентини агрегатлар бункеридан бўшатдилар. Айниқса, Тошкент области «зангори кема» капитанлари барчага ибрат бўлдилар. Улар тайёрланган пахтанинг 87 процентини машиналар ёрдамида териб олдилар. Сирдарё, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР механизаторлари ҳам фидокорлик кўрсатдилар. Бир қатор районларда машина терминнинг салмоги 80—90 процентгача етказилди.

Ҳосилдорликни оширишда Хоразм области деҳқонлари яхши натижаларга эришдилар. Бу ерда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 42 центнерни ташкил этди. Бухоро области пахтакорлари гектаридан 37,5 центнердан, Тошкент области деҳқонлари 34,7 центнердан, Навоий области заршунослари эса 34,2 центнердан ҳосил кўтардилар. Ғиждувон, Боғот, Гурлан, Хонқа, Хива каби районларда эса ҳосилдорлик гектар бошига 43—48 центнерни ташкил этди.

Бу йилги «оқ олтин» мавсумида кўплаб дала гвардиячиларининг номи элга танилди. Минглаб механик ҳайдовчилар техникадан самарали фойдаланиш учун курашиб, мавсумда 300—350 тонна ва ундан ҳам кўп хом ашё тердилар. Улар орасида Чиноз районидаги Киров номли колхоздан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоздан СССР Давлат мукофоти лауреати Холмўмин Сафаров, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳим Нарзуллаев ва бошқа кўплаб донгдор механизаторлар бор.

Ўзбекистон деҳқонлари олти миллион тонна пахта, уч миллион тонна дон, беш миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрладилар. Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, ана шу миллионларнинг тарихи — ирригация ва мелиорация қурилишлари, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва химизациялаш тарихидир. Бу, қишлоқ хўжалик фанининг юксалиши, миллионлаб деҳқонлар ижодий меҳнатининг самарасидир.

Совет ҳокимияти йилларида бизнинг республикамиз ирригация ва мелиорация даражаси бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Ўзбекистонда улкан сув омборлари, суғориш каналлари, коллекторлар, гидроузеллар бунёд этилди, 3,5 миллион гектардан зиёд ер суғорилмоқда. Ҳозирги кунда 221 давлат суғориш системаси мавжуд бўлиб, уларда 111 минг гидротехник иншоотлар қурилгандир. Минглаб насос станциялари, 1 миллион 200 минг гектардан зиёд ерга об-ҳаёт етказиб берилди. Республикада ҳажми қарийб 6 миллиард куб метр бўлган сув омборлари қурилди.

Мирзачўл, Жиззах, Сурхондарё, Шеробод, Қарши даштлари, Амударё этакларида суғориладиган йирик деҳқончилик зоналари вужудга келтирилди, Чўлларга ҳужум суръатини мана бу маълумотлардан яққол кўриш мумкин: КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан сўнг республикадаги суғориладиган ер майдони қарийб 1 миллион гектарга кенгайди. Ҳозир республикада ҳар йили салкам 100 минг гектар янги ер ўзлаштирилаётир.

Бундан 60 йил муқаддам «Туркистанская правда» газетаси ўзбек деҳқонлари учун Стокгольмга кетмонлар буюртма берилганлигини ёзган эди. Биз ҳатто кетмонни ҳам чет элдан олардик. Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ана шундай мерос билан иш бошлади. Ҳозир эса Ўзбекистон мамлакатда пахтачилик учун комплекс машиналар ишлаб чиқарувчи асосий, айрим турлар бўйича ягона республика ҳисобланади.

В. И. Ленин мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун 100 минг трактор бўлишини орзу қилган эди. Ҳозир фақат Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг ўзидагина 160 минг трактор, 35 мингдан зиёд пахта териш машинаси ва бошқа техника воситалари мавжуд. Ана шу техниканинг аксарият қисми республикамиз заводларида ишлаб чиқарилган. Хўжаликларнинг техникавий жиҳатдан юксак даражада қуролланицти пахтачиликдаги қарийб барча асосий жараёнларни механизациялаш, деҳқонларнинг оғир меҳнатини техника зиммасига юклаш имконини берди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин номидаги Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тупроқни ихчамловчи технологиялар учун қишлоқ хўжалик машиналари тайёрловчи ишлаб чиқариш бирлашмаси («Целиноградсельмаш»), «Гомсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Плавск «Смичка» машинасозлик заводи коллективларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари учун ишлаб чиқариладиган машина-ускуналар техник даражаси, сифати ва пухталигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш борасидаги ташаббуси тўғрисида» 1982 йил 30 ноябрда қабул қилган қарори ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида шу нарса қайд этиладики, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришга қўшилдилар. Чунончи енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда Рўзғор приборлари министрлигига қарашли «Ташавтоматика» заводи консерва саноати учун асбоб-ускуналар тайёрлашга киришди.

Республиканинг бир қанча корхоналари, жумладан «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Ташавтоматика» заводининг коллективлари «В. И. Ленин номидаги Минск трактор заводи», «Целиноградселмаш», «Гомсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва Плавск «Смичка» машинасозлик заводи коллективларининг ватанпарварлик ташаббусларини муҳокама этиб ва қўллаб-қувватлаб, ишлаб чиқарилаётган машина ускуналарнинг техник даражасини, сифати ва пухталигини ошириш юзасидан 1983—1985 йилларга қўшимча мажбуриятлар олишдан иборат қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар.

Қарорда «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Тошкентдаги «Ташавтоматика» заводи коллективларининг ташаббуси маъқулланди. Шу корхоналарнинг коллективлари «Озиқ-овқат программасига — юқори сифатли, пухта ва самарали техника етказиб берилади» шиори остида социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналарнинг техник даражасини, сифати ва пухталигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат озиқ-овқат тармоқлари учун техника ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан 1983—1985 йилларга қўшимча мажбуриятларни қабул қилдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкентдаги совутиш автоматикаси тажриба заводи («Ташавтоматика») коллективларининг ташаббусини оммалаштириш ҳамда бошқа корхоналарнинг коллективларини беш йилликнинг қолган йилларида машина-механизмлар пухталигини кескин ошириш, қувватларнинг бирлигига металл сарфини камайтириш, барча сифат кўрсаткичларини оширишдан иборат ватанпарварлик ҳаракатига жалб этиш борасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кенг авж олдириб юбориш тавсия этилди. Ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топиш ва улардан тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин. Кадрлар мазкур вазифаларни бажаришга ижодий ва масъулиятли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялансин. Новаторлар ташаббусининг моҳияти ишлаб чиқариш коллективларига етказилсин, қабул қилинган мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилсин.

Область, шаҳар район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Госснабига, министрликлар, бирлашмаларга социалистик мусобақани авж олдиришга, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари учун ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналар техник даражасини, сифати ва пухталигини оширишга қаратилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлашда корхоналарга самарали ёрдам бериш таклиф этилди.

Газета ва журналларнинг, радио ва телевиденининг редакцияларига қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари учун юксак самарали машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги билан Енгил ва Озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари корхоналарининг коллективлари қабул қилган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини мунтазам ёритиб бориш ҳамда бошқа илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини кенг пропаганда қилиш топширилди.

[Ушбу коллективларнинг социалистик мажбуриятлари газетанинг 2-бетида босилмоқда].

РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЛУҒ ИТТИФОҚИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистонда СССРнинг 60 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик

Ўзбекистон завод ва фабрикаларининг, руда конлари ва қурилишларининг, колхоз ва совхозларининг, ўқув юртлари ва муассасаларининг коллективлари 18 декабрь кўни республикаларнинг улуғ иттифоқига бағишлаб бепул меҳнат қилдилар. Коммунистик шанбаликда тўққиз миллион киши қатнашди. Шу куннинг зарбдор вахтаси, республика меҳнатчиларининг умумхалқ байрамига, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига туҳфаси бўлади.

Трактор заводида, «Ўзбексельмаш» заводида, бошқа қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида конвейерлар кун бўйи ишлаб турди. Металл ва узеллар йигув цехига келиб турди, мамлакат пахтакорларига тайёр машина-механизмлар жўнатилди. Шу шанба куни «Ташсельмаш» инженер ва техниклари, бошқарув аппаратининг хизматчилари корхона ишчилари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилдилар. Коллектив зарбдор вахта фондига янги пахта териш машиналарини, кўпдан-кўп запас қисмларни ва шу кунги меҳнат эвазига тегишли бўлган саккиз минг сўм пулни топширди.

Жарқўрғон пахта заводидаги коммунист Абдулҳаким Юсуфов сменаси алоҳида ҳис-туйғу билан ишга чиқди: ипак пахтадан мусобақадош дўстлар — пахта ип газлама комбинати тўқувчилари учун пландан ташқари тола ишлаб чиқариш лозим эди. Смена аъзолари жуда яхши меҳнат қилишди: нормадаги 30 тонна ўрнига 33 тонна олий сифат маҳсулот бердилар. Ҳаммаси бўлиб завод россиялик қардошларга 100 тоннага яқин пландан ташқари маҳсулот жўнатди.

Сал шимолроқдаги Қарши даштининг қўриқ ерларида шу куни «III-Интернационал» совхозининг меҳнатчилари далага чиқиб қишки ишлар билан шуғулландилар. Ўзбеклар ва тожиклар, руслар ва татарлар — 12 миллат фарзандлари янги пахтазорга айлантириладиган ерларни текислашга ҳаҳиллик билан киришдилар. 20 трактордан иборат отряд белгиланган вазифани кечгача бажарди: икки юз гектар ер баҳорда чигит экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Шанбалик арафасида ўнлаб йигит ва қизлар — Тўрт. кўлнинг ёш гражданлари Москва областидан қайтиб келишди. Ўша ерда Москва атрофларидаги мамлакатнинг энг яхши тўқимачилик корхоналарида улар Қорақалпоғистон учун янги бўлган тўқувчилик касбини ўргандилар. Улар шанбаликда янги Тўрткўл тўқув фабрикаси цехларидаги станокларни созладилар, бу корхона янги йил бошланмасдан, эртаниндин маҳсулот бера бошлайди...

Улар ўз устозларидан кўп нарсани ўрганиб келганликлари шубҳасиз. Жиззахлик йигирувчи қиз, коммунист Анора Рашидова ҳам шундай қилган эди. Коммунистик шанбалик дамларида унинг сменаси шу ердаги ип йигирув фабрикасида корхона рекордини қўйишга — бир ярим тонна, яъни одатдаги кунларга нисбатан 300 килограмм кўп калава ип ишлаб чиқаришни белгилаган эди. Бу ваъдага шараф билан вафо қилинди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЮКСАК МУКОФОТ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақада юксак натижаларга эришганлиги учун Фарғона область Бувайда райони КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев район меҳнаткашларининг вакилларига юксак мукофотни топширди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ СОВҒАСИ

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг чорвадорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида беш йилликнинг иккинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари адо этдилар. 900 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4700 килограмм сут олинди. Лидия Кузнецова, Венера Хайбуллина, Иброҳим Катуллин 5,2 минг килограммдан сут соғиб олдилар. Йил охиригача колхозда ҳар бош сигирдан соғиладиган сут миқдорини 4,8 минг килограммга етказишга аҳд қилинди.

Ферма ходимлари бутун подани маҳсулдор қора-ола зотли сигирлар билан алмаштирганликлари, яхши парваришлаганликлари, комплекс механизация жорий этилганлиги эвазига меҳнатда муваффақиятларга эришилди. Хўжаликда моллар қишлов учун етарли миқдорда ем хашак билан таъминланган, молхоналар яхши иситилади. Донадор озуқа тайёрланадиган цех тузилган. Тўйимли озуқа «Политотдел» чорвадорларига сутнинг қаймоғини кўпайтириш имконини берди. Ҳозирги кунда соғиб олинаётган сут қаймоғи нормадан кўп.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Главсредазирсовхозстрой асбоб-ускуна ва комплектлаш бошқармасининг бошлиғи ўрток Шукур Ризаевич Мирзаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ВА ОБЛАСТЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙ ОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

БАХТЛАР ВОДИЙСИНИНГ КЎРКИ

Бугун сўз—Фарғона области вакилларига

СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейи тобора яқинлашиб бораётган шу кунларда Фарғонада социалистик революция ғалаба қилган тарихий кунларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Петрограддаги Улуғ Октябрь ғалабаси Фарғонада ҳам озодлик қуёши порлашига олиб келди. 1917 йилнинг 19 декабрида Скобелево шаҳрининг меҳнаткашлари ҳам большевиклар раҳбарлигида қўзғолон кўтардилар. Уч кун давом этган жангларда контрреволюцион кучларнинг қўзғолонни бостириш учун қилган ҳаракатлари барбод этилди. Бироқ, Туркистондаги Советларга қарши кучларнинг — пантуркистлар, панисломчилар, оқгвардиячи офицерлар, туркманларнинг қабила бошлиқлари, козоқларнинг «Олош-Ўрда» миллатчилик ташкилоти активлари Кўқонда тўпланган эди. Мана шунинг учун ҳам 1919 йилнинг 18 январида революциянинг бир неча куролли отрядлари тузилди. Шу билан бирга Қизил Армия бўлинмаларини мустаҳкамлаш давом эттирилди. Қизил Армия ва бошқа революцион кучлар кўпминг кишилик босмачи шайкалари билан курашиб, Фарғонада Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилди. Шу даврда Фарғона корхоналари босмачиларга қарши курашнинг таянч пунктларига айлантирилди. Ҳамма ёқда милиция отрядлари ва ўзўзини ҳимоя қилиш группалари тузилди. Босмачиларга қарши қурашга бевосита М. В. Фрунзе раҳбарлик қилди. М. В. Фрунзенинг иштирокида муҳим ҳарбий-сиёсий тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўша даврда Фарғона область партия комитети ва область революцион комитети томонидан Фарғона қўшинларининг революцион ҳарбий Совети ёрдамида тузилган ҳарбий-сиёсий экспедицияси омма орасида узлуксиз сиёсий ва ташкилий ишларни олиб борди.

1920 йилда босмачилик ҳаракати асосан тугатилди. Аммо уларнинг қолдиқлари яна бир неча йилгача область аҳолисига тинчлик бермадилар, меҳнаткашларнинг, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида Улуғ Октябрь ва Советлар ҳокимияти берган имкониятлардан тўла фойдаланишларига тўқинлик қилдилар.

Гражданлар уруши йилларида Фарғона области халқ хўжалиги бутунлай вайрон қилиниб, издан чиқарилган эди. Область экономикасининг асоси бўлган пахтачилик инқирозга юз тутганди. Экин майдонлари эса 1915 йилги экин майдонининг бор-йўғи 25,4 процентини ташкил этарди, холос. Босмачи тўдаларининг вайронагарчилик келтирган ҳаракатлари натижасида областдаги деҳқон хўжаликларининг ярмидан кўпроғи, Марғилон уезида эса 92,3 проценти хонавайрон бўлган эди.

Ўтмишдан мерос қолган суғориш системаси областимиз халқ хўжалигини тиклаш учун етарли эмасди. Чунки мавжуд экин майдонлари кичик-кичик суғориладиган ер участкаларидан иборат эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин орадан кўп ўтмасданоқ В. И. Ленин Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисидаги тарихий декретга имзо чекди. Ана шундан бошлаб областдаги партия ташкилоти, маҳаллий Советлар, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органлари мелиорация ишларини муттасил такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлдилар. Янги суғориш системаларини бунёд этиш ҳамиша биринчи даражали вазифалардан ҳисобланди.

1925 йилнинг охирида Қоратепа, Бўтқачи, Бессарой қишлоқларининг деҳқонлари суғориш системасини қайта қуришда ёрдам беришларини сўраб, ўзларининг юртдошлари — Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевга мурожаат қилдилар. Деҳқонларнинг илтимоси қондирилди. Ёзёвон ҳўзларининг шарқий қисмига сув чиқариш учун қуриладиган каналнинг лойиҳаси қисқа фурсатларда ишлаб чиқилди. Канал қурилишида фақат юқорида номлари тилга олинган қишлоқларнингтина эмас, балки бошқа кўплаб қишлоқларнинг аҳолиси ҳам қатнашди. 1926 йилдаёқ Қорадарё суви инсон қўли билан бунёд этилган ўзандан Ёзёвон томон шарқираб оқди. Ҳозир бу каналнинг юқори қисми Охунбобоев номи билан, қуйи қисми — талантли гидроқурувчи-инженерлардан бири Клавдий Синявскийнинг номи билан аталади. Ҳашар методи билан бунёд этилган бу канал сув учун умумхалқ курашидаги ватанпарварлик ҳаракатининг сарчашмаси бўлиб қолди.

Областда ер-сув ислоҳоти муваффақиятли ўтди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишлари билан бирга хўжаликларни техника билан қуроллантиришга ҳам катта эътибор берилди. 1929 йилнинг иккинчи ярмида Фарғона областида Қува ва Бағдод МТСлари ташкил этилди.

Биринчи беш йилликлар даврида экин майдонларини кенгайтириш проблемаси муҳим масалалардан ҳисобланарди. Шу йилларда халқнинг ижодий ташаббускорлиги, айниқса, ҳашарчилик ҳаракати бу лоқдек қайнаб кетди. Сув учун олиб борилган курашларда узунлиги 32 километр бўлган Лоғон канали аҳолида аҳамият касб этди. Бу каналнинг қурилиши фарғоналикларни янги улугвор ишларга илҳомлантириб юборди. Орадан кўп ўтмай, Фарғона меҳнаткашлари Норин ва Қорадарё сувларидан пахтачиликни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин эканлиги тўғрисида Ўзбекистон ва республика миқёсидаги масъул ташкилотларга мурожаат қилишди.

Партия ва ҳукуматимиз Фарғона пахтакорларининг илтимосини қондириб, Катта Фарғона канали қурилиши ҳақидаги таклифни маъқуллади. Канал қурилишида 165 мингдан зиёд меҳнатчи қатнашди. Улар 45 кунда 272 километр узунликдаги ва бош тўғони секундига 98 кубометр сув ўтказадиган канални қазиб бўлдилар. Бир ярим ойда 17,8 миллион кубометр тупроқ, 42,2 минг кубометр бетон, 110,6 тонна металл конструкциялар ётқизиш ишлари бажарилди, 45 та йирик гидротехник иншоот қурилди.

Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши натижасида қарийб 202 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланиб, ҳосилдорлик 3—4 центнерга кўпайди. Шунингдек, 10 минг гектар қақраб ётган чўл ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантириш имконияти юзага келди. Фарғона қўрғини очиш халқ иши бўлиб қолди. Сув хўжалиги қурилишлари учун Кострома, Воронеж, Омск, Рубцовск шаҳарларидан экскаватор ва бошқа мураккаб техника воситалари, Волгоград, Кутаиси Минск, Горький, Харьков шаҳарларидан автомашина ва тракторлар, Урал ва Запорожьедан металл, Москва, Болтиқбўйи республикалари ва Арманистондан станок ва механизмлар, Сибирдан ёғоч материаллари келтирилди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда қатнашмаган бирорта иттифоқдош республика қолмади, десак муболаға бўлмас.

1953 йилда Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича колхозлараро Совет ташкил этилди. 1961 йилга қадар бу Совет ёдидаги уч областда кенг кўламда иш олиб борди. Сўнгра ҳар бир областда алоҳида-алоҳида ана шундай Советлар ташкил этилди. 50-йилларнинг ўрталарида областимизда катта қувватга эга бўлган ер ўзлаштирувчи, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширувчи «Ферганаводстрой» ва «Ферганаирстрой» трестлари ташкил этилди. Чорак асрдан зиёд вақт давом этган шиддатли ҳужум, мардона юришлар натижасида 175 минг гектардан иборат Марказий Фарғона чўлининг асосий қисми ўзлаштирилиб, серҳосил экинзорлар, боғ-роғлар, шинам қишлоқ ва шаҳарларга айлантирилди.

1966—1970 йилларда областимизда янги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 45,8 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, ўтган беш йилликда ана шу мақсадлар учун 216 миллион сўм маблағ сарфланди. Уч беш йиллик давомида 46 минг гектардан зиёд янги ер ўзлаштирилди. Ўн биринчи беш йилликда янги ерлар очиш, уларни сув билан таъминлаш ва бошқа тадбирлар учун 235 миллион сўмга яқин капитал маблағ сарфлаш, қарийб 11 минг гектар янги ер ўзлаштириб, экин оборотига киритиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, янги каналлар қазиш, эски сув йўлларини реконструкция қилиш, насос станциялари ўрнатиш ҳисобига 33 минг 200 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади, 62 минг гектар майдон жорий ремонтдан чиқарилади.

Бир секундда 200 кубометр сув ўтказадиган Катта Андижон каналининг қуриб битказилиши водийимиз деҳқончилигида муҳим воқеа бўлди. Ўтган беш йилликда ана шу каналдан секундига 6 кубометр сувни 40 метр баландликка узатиб берадиган «Солижонобод» насос станцияси ишга туширилди. Файзиобод, Повулгон, Ранқон ва бошқа бир қатор насос станцияларининг ишга туширилиши ҳам областимизда сув таъминотининг яхшиланишида муҳим роль ўйнади. Марказий Фарғона учун асосий сув манбаи бўлган Жанубий Фарғона каналини реконструкция қилиш ишлари босқичма-босқич давом эттирилиб, каналнинг сув ўтказиш имконияти тобора кенгайтирилмоқда. Бу ўз навбатида Қува, Олтиариқ, Фарғона, Тошлоқ районлари ва Қувасой шаҳри территориясида янгидан ўзлаштириладиган ва ўзлаштирилган салкам 20 минг гектар дашт-адир ерларни об-ҳаёт билан тўла таъминлаш имкониятини беради.

...Улуғ Ватан уруши йилларида фарғоналиклар ҳам бутун куч-қувватларини душман устидан ғалаба қозонишга бағишладилар. Ўша оғир йилларда областга мамлакатнинг ғарбий районларидан 20 дан зиёд корхона кўчириб келтирилиб, узлуксиз ишлаб турди. Бу даврда фарғоналиклар давлатга 602,9 минг тонна пахта, 18 минг тоннадан ортиқ пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширдилар. Шунингдек, меҳнаткашлар мудофаа фондига 275 миллион сўмдан кўпроқ пул бердилар.

Фарғоналиклар бевосита жанг майдонларида ҳам жасорат кўрсатиб, Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳаётмамот жангларида кўрсатган қаҳрамонликлари учун областимиз мард ўғлонларидан 14.902 нафар киши СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. 15 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Т. Бобоев, А. Деҳқонбоев, Н. Забрадин, В. Канарев, М. Кельчин, М. Топиболдиев, М. Умриддинов, Н. Шелухин, Т. Эрйигитов, Қ. Ёқубовлар шулар жумласидандир.

Ўтган олтмиш йил мобайнида областимиз маданий ҳаётида ҳам беқиёс ўзгаришлар юз берди. Инқилобдан илгари Фарғонада халқ маорифи аслида йўқ даражада эди. Шу сабабли маданий революциянинг дастлабки қадамлари саводсизликни тугатишдан бошланди. Биринчи беш йилликлар мобайнида халқ маорифи кенг равнақ топди. 1937-1938 ўқув йилида областда 783 та бошланғич мактаб очилиб, уларда 146 минг ўқувчи таълим олди. Ҳозир областдаги умумий таълим мактабларида 449 минг ўқувчи билим олмоқда. Мактабларимизнинг 60 проценти кабинет системасига ўтказилган. Йил сайин мактабгача тарбия муассасалари тармоғи ҳам кенгаймоқда.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш борасида ҳам катта гамхўрликлар қилинмоқда. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида областнинг бутун территориясида жами 153 ўринли 9 та касалхона бор эди, холос. Ҳозирги вақтда областда 97 та шаҳар, район ва қишлоқлар марказий касалхоналари, 194 та амбулатория, поликлиника муассасалари, 23 та даволаш, 560 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари, 23 та «Тез ёрдам» бўлими, 19 та санитария станцияси ва бир қатор оналар ва болалар муассасалари ишлаб турибди. Бу муассасаларда 3587 врач, 13678 нафар ўрта маълумотли медицина ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар ўн минг кишига 22,3 нафардан врач, 76,6 нафардан ўрта маълумотли медицина ходими тўғри келмоқда.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базаси ҳам йил сайин мустаҳкамланмоқда. Областимизда 50 та маиший хизмат уйи, 3 мингдан зиёд устахона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлиб, уларда 10 мингдан зиёд киши ишламоқда. Кейинги икки йил мобайнида областимизнинг барча район марказларида маҳаллий бюджет ҳисобидан «Гўзаллик салони» қурилди.

Область бўйича маиший хизмат кўрсатиш ҳажми йилига 30 миллион сўмга етказилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилаётган маиший хизмат шаҳарларда 32 сўм 05 тийинданни, қишлоқларда эса 14 сўм 29 тийинданни ташкил этди. Хизмат турлари эса 400 хилдан ҳам ошиб кетди. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари иши ҳам беқиёс даражада ривожланди.

Областимиз қишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги КПСС аграр сиёсати изчил амалга оширилаётганлиги натижасидир. Айниқса, кейинги йилларда деҳқончилик маданиятини ошириш, комплекс механизацияни кенг қўлланиш соҳаларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Эндиликда комплекс механизациялаш пахтакорларимизнинг бош йўли бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигини малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар билан мустаҳкамлаш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Ўрта звено раҳбарлари сифат состави сезиларли равишда яхшиланди.

Амалга оширилаётган бу тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб ва СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, амалдаги йилда ҳам табиатнинг барча инжиқликларига қарамай, матонат ва мардлик кўрсатдилар. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, уни уюшқоқлик билан йиғиштириб олдилар ҳамда давлатга топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Айниқса, пахтакорларимиз қўлга киритган ютуқлар салмоқли бўлди. Заршунослари-мизнинг тайёрлов пунктларига 587 минг тоннага яқин «оқ олтин» топшириб, зималарига олган социалистик мажбуриятларини 29 ноябрда бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 31,5 центнердан ҳосил олинди. Тайёрланган пахтанинг 284 минг тоннаси машиналар билан териб олинди.

Областимизнинг бу ғалабасига, айниқса, пахта топшириш планларини 101-113 процент бажарган Бувайда, Фарғона, Қува, Олтиариқ, Тошлоқ, Ленинград, Охунбобоев, Риштон, Ўзбекистон ва Киров районларининг азамат заршунослари катта ҳисса қўшдилар.

Областимизни 1981-1985 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларида саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада жадал ўстира бориш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш соҳасида катта тадбирлари амалга оширишга кўзда тутилган. Саноат маҳсулотлари ҳажми 1985 йилга бориб 1980 йилга нисбатан 23 процентга кўпаяди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш тез суръатларда юксалади. Бу хил товарларни 1985 йилга бориб 1980 йилга нисбатан 25 процентга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Айниқса, маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш соҳасида катта ишлар амалга оширилади. Бу тармоқларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 75 процентга ўсиб, жами қарийб 70 миллион сўмликни ташкил этади. Шундан 38,4 миллион сўмлиги кенг истеъмол моллари бўлади.

Бундай ривожланишга янги қувватларни ишга тушириш, техника ва технологияни, механизация ва автоматизацияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш туфайли эришилади. Шу асосда саноатда меҳнат унумдорлиги 20 процентга кўтарилади.

Амалдаги йилнинг ўзида Фарғона тўқувчилик комбинатининг Риштон, Бешариқ, Янгиқўрғон филиалларининг иккинчи навбати, Учкўприкда трикотаж, Фарғона шаҳрида мебель фабрикалари ишга туширилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналар реконструкция қилинди, янги филиал корхоналар очилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даражаси ҳам тобора ортиб боради. 1985 йилга бориб бу тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулот қарийб 700 миллион сўмликни ташкил этади. Беш йил мобайнида давлатга областимиз хўжаликлари сотадиган пахта ҳосили қарийб 3 миллион тоннани ташкил этади. 12 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Ғалла экиладиган майдонлар 29 минг гектарга етади. Бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам кескин ортади.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни жонажон мамлакатимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунинг шонли 60 йиллик юбилейига яқинлаштирянти. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқидан илҳомланган областимиз меҳнатчилари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бу муҳим санани ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан кутиб олмоқдалар. Улар бундан бўён ҳам бутун куч ва имкониятларини экономикамизни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга бағишлайверадилар. Зеро, бу уларнинг интернационал бурчларидир.

Қувада дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленинга ҳайкал очилди. Монумент авторлари ҳайкалтарошлардан Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреатлари Нодар Банзеладзе, Эймонулла Алиев, Василий Дегтярев, архитекторлардан Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати Дилшод Латипов ҳамда Анвар Шокировлардир.

СУРАТДА: доҳийга ўрнатилган ҳайкал.
(ЎзТАГ).

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига ўзаро мусобақани авж олдириб ишлаётган Марғилондаги Халқлар дўстлиги орденли абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи юбилей йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

Суратда: цех комсомол ташкилотининг секретари, илғор тўқувчи Насиба Нурматова ҳонатласнинг янги хилини намойиш этмоқда.

Ш. Алимов фотоси.

Т. И. КОБЯКОВА — революция ва меҳнат ветерани, 1918 йилдан КПСС аъзоси, С. ХОЛИҚОВ — Киров районидаги Киров номли совхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Э. УСМОНХЎЖАЕВ — Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қ. АБДУРАҲИМОВ — Фарғона районидаги Ленин номли совхознинг 1000 центнерчи сабзавотчилик звеноси бошлиғи, О. СУЛТОНОВА — Бувайда районидаги Карл Маркс номли колхоз пиллачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Р. МАҚСУДОВ — Қува районидаги «Коммунизм» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати, Ф. ШАМСУДДИНОВ — Катта Фарғона каналининг бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, З. ҒАНИЕВ — республикада хизмат кўрсатган ирригатор, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш бўйича колхозлараро Совет раисининг ўринбосари, Д. ДАДАБОЕВА — Охунбобоев районидаги Ниёзов номли совхознинг сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ш. МИРЗАБОЕВА — Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚИШЛОҚҚА—МУКАММАЛ МАШИНАЛАР

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ» НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ, «УЗБЕКХЛОПКОМАШ» БИЛАН ТОШКЕНТДАГИ «ТАШАВТОМАТИКА» ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАМДА САНОАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАШИНА-УСКУНАЛАР ТЕХНИК ДАРАЖАСИНИ, СИФАТИ ВА ПУХТАЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Тошкентдаги «Ташавтоматика» заводининг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларига жавобан, Леонид Ильич Брежневнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, Минск трактор заводи, «Целиноградсельмаш», «Гомсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Плавск «Смичка» машинасозлик заводи меҳнаткашларининг «Озиқ-овқат программасига —юқори сифатли ,пухта ва самарали техника етказиб берилади» шиори остида социалистик мусобақани авж олдириш борасидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Корхоналаримизнинг коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан ички резерврларни қидириб топиб, 1983—1985 йилларга қуйидаги қўшимча мажбуриятларни қабул қилдилар:

«СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи беш йиллик охирига бориб пахтачилик тракторларининг мотор ресурслари 6 минг мотосоатдан 9 минг мотосоатгача оширилади, бу эса 1985 йилда қўшимча равишда 1200 та трактор ишлаб чиқаришга баравардир. Ўн биринчи беш йиллик охирида кузовининг ҳажми оширилган (ДПТС—4—79 ЗА) прицепнинг хизмат муддати ҳозир кўплаб ишлаб чиқарилаётган прицепнинг 7 йиллик хизмат муддатига нисбатан саккиз йилгача етказилади.

1985 йилда пахтачилик учун мўлжалланган, кабинаси герметикланган юз от кучига эга бўлган МТЗ тракторларини ишлаб чиқаришга киришилади. Ўн биринчи беш йилликда пахтачилик учун мўлжалланган МТЗ Тракторларини давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқариш таъминланади.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмасида 1983 йилдан бошлаб ҳар йили 20 та пахта тозалаш заводини еки 1982 йилдагига нисбатан 12 та кўп заводни, пахтани қуритадиган ва тозалайдиган 50 та цехни, 20 та жин-линтер цехини ва чигит тайёрлайдиган цехларни тўла комплектлаш учун машина-механизмлар ишлаб чиқарилади.

1983—1985 йиллар мобайнида 450 та қуритиш агрегати, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш учун 1920 та комплект қабул қилувчи-етказиб берувчи қурилмалар ишлаб чиқарилади. Мазкур машина-механизмларнинг ишлаб чиқарилиши пахта тозалаш саноати корхоналарида қурилмаларни ўрнатиш учун банд бўлган ишлаб чиқариш майдонини 1,4 баравар, истеъмол қилинадиган электр энергияни 1,3 баравар, металл сарфини 1,4 баравар камайтириш имконини беради. Шу билан бир қаторда бирлашма Жиззах областидаги «Москва» колхозида ва Иштихон районидаги «Митан» посёлкасида агросаноат комплексининг янги қурилаётган пахта тозалаш заводларида иккинчи туркум поток линиялари машина-ускуналарини монтаж қилиб, ишга туширади. 1985 йилга бориб, пахта тозалаш саноати учун асосий технология машиналарига давлат сифат белгиси берилишига эришилади.

Тошкентдаги совутиш автоматикаси тажриба заводи «Ташавтоматика»да асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бир қаторда 1983 йилда консерва саноати учун банка ювадиган, этикетка ёпиштирадиган машиналар ва буғлатувчи механизмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, бу машина-механизмлар ўз хусусиятлари жиҳатидан ҳозир ишлаб чиқарилаётган шундай машиналардан устун бўлади. Ўн биринчи беш йиллик охиригача ҳар бир турдаги машиналардан 45 тадан ишлаб чиқарилади. 1983—1985 йилларда ҳар бир машинага кетадиган металл сарфини 12 процент, энергия сарфини 25 процент камайтириш мўлжалланмоқда. Мажбуриятларнинг амалга ошиши шу беш йилликнинг охиригача консерва саноатида шартли равишда салкам 1 минг кишини холи қилиш, 1,3 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ва Озиқ-овқат саноати машинасозлиги корхоналарининг, саноат турдош тармоқларининг коллективларини қишлоқ хўжалиги ва саноат озиқ-овқат тармоқлари учун машина-механизмларнинг техник даражасини, сифати ҳамда пухталигини ошириш йўлидаги мусобақага актив қўшилишга даъват этамиз.

Қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни сарфлаймиз ва СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшамиз деб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда берамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар корхоналар коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЛУҒ ИТТИФОҚИГА БАҒИШЛАБ

(Бошы биринчи бетда).

Олмалиқ меҳнатчилари — бўлажак ҳосилга барака қўшувчилар ҳам Ватанга берган сўзларининг устидан чиқдилар... Химия заводининг коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари сафидан жой олганлиги бежиз эмаслигини юбилей йилининг якунлари юзасидан юксак мукофот — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини бежиз олмаганлигини яна бир бор исботлади. Завод 18 декабрь куни 1000 тонна минерал ўғит тайёрлаб беради, деб ваъда қилинган эди —айни шунча ўғит берилди. Шу минг тоннанинг 50 тоннаси пландан ташқари бўлади, деб ваъда қилинган эди — худди шундай бўлди. Завод деҳконларга янги самарали ўғит — аммофосфатнинг дастлабки турқумини жўнатади, деб ваъда қилинган эди — бу ваъда ҳам бажарилди.

Ҳар тарафдан кетма-кет хушхабарлар келиб турибди. Уларнинг кўпчилигида ошириб, ортиги билан, белгиланганидан зиёд бажарилди... деган сўзлар ёзилган. Партия XXVI съезднинг қарорлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ натижага эришишга, вақтни, меҳнатни, ресурсларни тежашга ва шу тарзда Ватан қудратини мустаҳкамлашга чақирмоқда. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг бутун халқимиз астойдил маъқуллаган материаллари шу мақсадни кўзлайди. Ўйлаб ишлаб чиқариш коллективлари резерврларни қидириб топишга, уларни ишга туширишга, учраган қийинчиликларни бартараф этишга интилмоқда. Орқада қолувчилар шу куни олга томон бир қадам қўйишга, илғорлар эса уларга ёрдам беришга интилдилар.

Андижондаги «Коммунар» заводи кейинги вақтларда буюртмачиларга бир қанча турдаги маҳсулотларни — пахта тозалаш корхоналари учун механизмларни камроқ бермоқда. Мамлакат олдида қарздор бўлиб қолмаслик учун андижонликлар 18 декабрь куни металл ишлаш цехларини янгилашга, замонавий серунум янги асбоб-ускуналарни ўрнатишга кўп куч сарфладилар. Айни вақтда 10 мингта линтер арраси, иккита қуритиш барабани ва гарамлардаги пахтани қуритиш учун катта бир туркум вентиляторлар тайёрланди.

Ноябрь Пленуми транспорт иши бир маромда бўлишини, бу муҳим тармоқда яхшироқ интизом ўрнатилишини талаб қилди. Ховос темир йўл депоси ва станциясига шанба куни келган ҳар бир киши умумий сафда ўз ўрнини топиб олди: нормадан ташқари иккита юк поезди тузилди, учта тепловоз ва бир километр йўл ремонт қилинди. 54 та вагон сафга қайтарилди ва ўз кучлари билан 37 вагоннинг юки туширилди олинди.

Республиканинг ишчилар оиласи катта. Оиланинг ўз оқсоқоллари, ҳурмат қозонган, ном чиқарган машъалари бор. Куни кеча далада, боғда, яйловда ўз ота-бобосининг ишидан бошқа нарсани билмаган ёшлар ҳам бор. Мана шундай қизлардан йигирма нафари Наманган абрли газламалар комбинатининг Янгиқўрғон филиалида Хабибулла Тўхтабоев бригадасига бирлашишган. Улар тўқувчи номини олганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Раъно Қаюмова, Матлуба Исабоева, Феруза Ёқубжоновалар ҳозирнинг ўзидаёқ нормада белгиланганидан икки ҳисса кўп машинани ишлатмоқдалар, ҳонатлас тўқиб чиқариш ҳам шунга мувофиқ равишда кўпаймоқда. Айни мана шундай қалби олов қизлар туфайли бутун бригада топшириқни ошириб бажарди, бутун филиал шанбалик куни йиллик программани бажарди бўлди.

Тежамкорлик масаласи — планларимизнинг реаллиги масаласидир. Ҳозир партия масаласи мана шу тарзда қўймоқда. Хўш, Ўзбекистоннинг ишчи коллективлари меҳнат байрами қунида бунга қандай жавоб беришди. 1200 дан кўпроқ коллектив ишда тежаб қолинган ҳом ашё, энергия, материаллар ва бошқа ресурслардан фойдаланишлар, 184 минг киши тежаб қолинган ресурслар асосида меҳнат қилди!

...Иш куни тугай деб қолди. Республика штабида СССР 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигининг дастлабки якуни чиқарилди. Қарийб уч миллион меҳнаткаш сменани иш жойларда ўтказди. Қолган кишилар шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришда, боғлар ва хиёбонлар барпо этишда, темир-терсак тўплашда қатнашдилар, юк ортиш-туширишларни ва ёрдамчи ишларни бажаришди.

Тахминан 45 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 2,5 миллион тонна юк қабул қилиб олинди ва жўнатилди. Сал кам 12 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Беш йиллик фондига коллектив бўлиб 7,5 миллион сўмга яқин ҳисса қўшилди.

(ЎзТАГ).

ТАЪЗИМ СЕНГА, БОБОДЕҲҚОНИМ!

ЎЛКАМИЗ АРМУҒОНИ

(Боши биринчи бетда).

Қишлоқ меҳнаткашларига минерал ўғитлар етказиб бериш йил сайин кўпаймоқда. Ҳозир колхоз ва совхозлар ҳар йили 5 миллион тоннадан зиёд ёки 1965 йилдагига нисбатан икки баравар кўп ўғит олмоқда. Ана шу ўғитларнинг ҳам анчагина қисми Ўзбекистон заводларидан чиқмоқда.

Республикада ягона агрохимия хизмати вужудга келтирилди. барча хўжаликлар тупроқ тадқиқотлари натижаларига, ўғитлардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларга эгадирлар. Мана шуларнинг натижасида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги йил сайин ошмоқда.

Республикада ишлаб чиқаришни агросаноат интеграцияси асосида ихтисослаштириш ва концентрациялаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи йирик бирлашмалар таш кил этилди. Ҳозир жамоат секторида етиштирилаётган гўштнинг 40 процентдан кўпроғи, тухумнинг 80 проценти уларнинг ҳиссасига тўғри келаётир.

Бизда ягона ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланган ишлаб чиқариш бирлашмалари муваффақиятли ташкил этилмоқда ва ишламоқда. Хўжаликлараро корхоналардан фарқли ўларок. битта соҳанинг ўзи билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш бирлашмалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштиради. Бунда хўжаликлар алохида турлар бўйичагина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг босқичлари бўйича ҳам ихтисослаша боради. Бизда ҳозир ана шундай агросаноат бирлашмаларидан тўрттаси бор.

Республика қишлоқ хўжалиги эришган ютуқларда фаннинг муносиб ҳиссаси бор. Бугун биз Ўзбекистонда фаннинг ривожланишига Тошкент Давлат университетини ташкил этиш тўғрисидаги ленинча декрет билан пойдевор қўйилганлигини фахр билан ёдга оламиз.

Ҳозир республикада қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи кўплаб илмий муассасалар ишлаб турибди. Ўзбекистон олимлари жаҳондаги энг яхши пахта навини яратдилар. пахта етиштириш агротехникасини такомиллаштириш. деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш борасида катта ишлаб олиб бормоқдалар. Замонавий шоличилик. маккажўхоричилик. мева-сабзавотчилик. чорвачилик. комплекс механизациялашнинг илмий асослари яратилди.

Ўзбек қишлоқларининг киёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Пахса деворли кулбалар ўрнида барча инженерлик коммуникациясига эга бўлган замонавий посёлкалар қад кўтармоқда. Ўтган йили намунали қурилганлиги ва ободонлаштирилганлиги учун республикамизда 16 колхоз ва совхоз посёлкаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси медаллари билан тақдирланди, 13 посёлка иккинчи даражали, 23 посёлка учинчи даражали диплом билан мукофотланди.

Миллий кадрлар республикамиз фахри ҳисобланади. Революциягача қадар қишлоқда саводли кишилар бармоқ билан санарли даражада эди. Ҳозир эса республика колхоз ва совхозларида қариб 70 минг олий ва ўрта маълумотли мутахассис ишлаяпти. Билимдон кишилар армияси йилдан-йилга кўпаймоқда. Республиканинг қишлоқ хўжалик ўқув юртларини ҳар йили қариб 3 минг қишлоқ хўжалик мутахассиси битириб чиқмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбар составининг сифати муттасил яхшиланмоқда. Ҳозир колхоз раисларининг 95 проценти, совхоз директорларининг 99 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Партия аграр сиёсатининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши. қишлоқ хўжалиги учун катта малаглар сарфланиши. колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнати ўзининг яхши самараларини бермоқда. Сўнгги уч беш йилликлар мобайнида қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот етиштириш икки баравар кўпайди. Пахта етиштириш 1,7 баравар, қимматли ингичка толали пахта етиштириш эса 5 баравар. дон —4 баравар. мева-сабзавот маҳсулотлари — 3 баравар, гўшт — 2 баравар, сут ва тухум —2,6 баравар кўпайди.

Совет халқи КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми белгилаб берган улуғвор режаларни зўр кўтаринки руҳ билан амалга оширишга киришган. ҳозирги пайтда Ўзбекистон учун пахта етиштиришни янада кўпайтириш беқиёс муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Шу беш йилликда республикамиз 30 миллион тонна пахта етиштириши ёки ўртача йиллик ишлаб чиқаришни ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 300 минг тонна кўпайтириши лозим. Пахта комплексидаги бошқа экинлар ҳам янада ривожлантирилади.

Озиқ-овқат программасини ҳал этишда дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш. бош вазифа ҳисобланади. Шу беш йилликда республикада йиллик ўртача дон етиштириш 2.8—3 миллион тонна. ўн иккинчи беш йилликда 3.3—3.5 миллион тонна бўлишини таъминлаш ёки ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 1.5 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бизда маккажўхори асосий дон экини ҳисобланади. Ҳар гектар ердан камида 80 центнердан маккажўхори дони олишни таъминлаш вазифаси кўйилмоқда.

Шоличиликнинг катта истиқболи бор. Шу беш йилликда шоли етиштиришни 615—620 минг тоннага, келажакда эса 750 минг тоннага етказиш кўзда тутилаётир.

Озиқ-овқат программаси республика қишлоқ хўжалиги зиммасига мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш бўйича алохида масъулият юклайди. Ўн биринчи беш йилликда сабзавот ва полиз экинлари ялпи ҳосилини 3.6 минг тоннага, ўн иккинчи беш йилликда эса 4.4 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бу ўнинчи беш йилликдагига нисбатан анча кўпдир. Беш йиллик мобайнида мева етиштириши 1.8 баравар, узум етиштириши 3 баравар кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Республика Озиқ-овқат программасида чорвачилик масалалари алоҳида ўрин тутади. Белгиланган давр охиригача гўшт етиштириш ни 1980 йилда эришилган даражага нисбатан икки баравар, сут етиштиришни 1.7 баравар, тухум тайёрлашни икки баравар кўпайтириш мўлжалланаётир.

Республика қишлоқ хўжалиги барча соҳаларини янада ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишда ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашни янада ривожлантириш. сув таъминотини яхшилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Амалдаги беш йилликда республика сув хўжалиги қурилишларига 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Қариб 500 минг гектар суғориладиган янги ер ўзлаштирилади, бир катор сув омборлари ва каналлар. йирик насос станциялари қурилишлари ниҳоясига етказилади.

Аммо пахта етиштиришни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини кўпайтириш асосан тармоқни интенсивлаш ҳисобига таъминланади.

Ҳозир чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Чорва молларини қишда намунали даражада сақлаш учун мавжуд барча резервлардан, республикамизнинг илғор чорвадорлари тўплаган бой тажрибалардан фойдаланиш лозим.

Шу кунларда Ўзбекистон деҳқонлари келгуси йил ҳосилига пухта пойдевор яратмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари эришилган муваффақиятларни янада кўпайтириш мақсадида янги резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Улар юбилей йили топшириқларини муваффақиятли якунлаш, умуман беш йиллик планни уддалаш ва ошириб бажариш. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришиш учун ғайрат қилмоқдалар.

«Оқ олтин» бунёдкорлари Ҳосил байрамини меҳнатда ажойиб муваффақиятлар билан қарши олдилар. Ильич районидаги Узоқов номли совхознинг азамат заршуносларн ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Ҳосилнинг асосий қисми эса «зангори нема»лар билан териб олинди. Эшмат Ражабов бошлиқ бўлим деҳқонлари чўл шароитида ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтардилар.

СУРАТДА: бўлимнинг илғор механизаторлари.

А. Тўраев фотоси.

ТИЛИМИДАН БОЛ ТОМАДИ

«Эккан — тикканнинг отасига раҳмат!» — Одатда ширин-шакар ковун ёки тарвуз ейилгандан сўнг уни етиштирган полизчи шаънига ана шундай миннатдорчилик билдирилади. Аслини олганда деҳқоннинг ҳалол меҳнатига берилган юксак баҳо бу.

Республикамиз полизчилари ўз шаънига доғ туширмаслик учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мана бир неча йилдирки, «Полизларимиз бегубор бўлсин!» деган шиор остида ишламоқдалар.

Мен кўп йиллардан буён полизчилик билан шуғулланаман. Бу йил бригадамиз полизчилари 70 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Ана шу майдоннинг 47 гектарида ковун етиштирилди. Маълумки, ковун энг мазали, тотли ва хушбўй неъматлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни халкимиз севиб истеъмол қилади. Бу йил биз қарийб 1000 тонна маҳсулот етиштирдик. Бир тонага яқин ковун қоқи тайёрладик.

Бригадамизда ноёб ковун навларини қайта тиклаш ва кўпайтириш борасида ҳам катта ишлар қилинаяпти. Чунончи, юбилей йилида бригадамиз полизида 52 хил ковун нави етиштирилди. Улар орасида «Пахтаобод кўкчаси», «Вахарман», «Оқ уруғ», «Бекзоди» сингари янги навлар бор. Бу навлар шу йил кузда бўлиб ўтган «Ширинак» кўрик-конкурсининг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди.

Биз полизчилар олдида келгусида янада катта вазифалар турибди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига янада салмоқлирок ҳисса қўшишимиз даркор.

Ҳакимжон УСМОНОВ,
Қашқадарё область Нишон районидаги «Пахтаобод» совхозининг полизчи бригадири.

ПАХТА

Сен оламга таратдинг нур, тафт, эй пахта,
Олам боқар жамолингга маҳлиё, пахта.
Чанағингда мужассамдир қуёш, ой, юлдуз,
Беш қитъани эслатурсен, пурзиё пахта.

Мағриб, машриқ чароғондир шуъларингдан бугун,
Ҳар толангни кўзга қилгум тутиё, пахта.
Юракларга илдиз отиб, жилволанасан,
Ишқимсан сен? Қўшиқмисан? Меҳр... ё пахта!

Бободеҳқон замин тахтин — султони, сен тож.
Оқ шуъланга кўмилмоқда бу дунё, пахта.
Оқ нур дея интилади қитъалар бешак.
Қуёш юртим, олтин ерим — Осиё пахта!

Худойберди ЭШОНҚУЛОВ.

БОҒ-РОҒЛАР НЕЪМАТИ

Халқимизда «Боғни боқсанг боғ бўлур», деган доно нақл бор. Бунинг рамзий маъноси ғоят катта. Чиндан ҳам боғни барпо этиш, ундаги ҳар бир дарахтни меҳр билан ардоклаш, озуқасини, сувини, вақтида бериш туфайли мўл ҳосил олиш мумкин. Ҳар бир дарахт вақтида парвариш қилиниши туфайли у чирой очиб, кўкка бўй чўзади. Ана шундай кезда соҳибкорлар ўз меҳнат натижаларини кўриб дастлабки қувонча тўладилар. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Боғ майдонимиз 60 гектар. Шундан эндигина 20 гектари ҳосилга кирган. Мазкур боғда 16 киши меҳнат қилади. Улар соҳибкорликда кўп тажрибага эга бўлган кишилардир. Абдусалом Эргашев, Абди Тожиев, Очилбой Юсуповларни бутунги кунда фақат колхозимиздагина эмас, балки Нарпай районида ҳам яхши билишади. Ана шу боғбонларнинг ғайрат-шижоати туфайли боғларимиз йилдан-йилга чирой очиб, ундан мўл ҳосил олинмоқда.

Юбилей йилида қўлга киритган ютуғимиз қувончли бўлди. Она-Ватанга 80 тоннадан зиёд сара узум етказиб бердик. 130 тонна мева топширилиб, бу соҳадаги йиллик план 200 процент қилиб бажарилди. Етиштирилган меваларни ўз вақтида теришда колхозчилардан Рўзигўл Тожиева, Рукия Ашурова, Ҳусния Эрназаровалар кунлик иш нормаларини мунтазам ошириб бажаришга эришдилар. Шуниси қувонарлики, асосан пахтачиликка ихтисослашган бизнинг хўжаликда етиштирилган мевалар республикамиздан ташқари Узоқ Шарқ меҳнаткашлари, БАМ қурувчилари. Тюмень йўлсозларига ҳам етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг, Озиқ-овқат программасини белгилаб берган май (1982 йил) Пленумига амалий иш билан жавоб бераётган боғбонларимиз айни кунларда кишки тадбирларни уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар. Ҳосили териб олинган дарахтларга кеч кузгаёқ шакл берилди. Ҳозир дарахтлар яхоб сувига қондирилмоқда. Сув билан бирга ер остига озуқа ҳам солинмоқда.

Биз эрта кўкламда янгидан 5 гектар майдонга мевали дарахт кўчатлари ўтказишни планлаштириб қўйдик. Ҳозирдан ана шу дарахт кўчатлари ўтказиладиган майдонлар сифатли текисланяпти. Карталар кенгайтирилиб, унинг остига маълум миқдорда маҳаллий ўғит соламиз. Шу билан бирга кўчат танлаш ишларига ҳам эътиборни кучайтирямиз. Келажакда боғдорчиликни ҳам рентабелли тармоққа айлантириб, колхозчиларга, колаверса, она-Ватанга кўплаб ширин-шакар мева ва узум тортиқ этамиз. Бу бизнинг жонажон партиямизнинг Озиқ-овқат программасига кўшган муносиб улушимиз бўлади.

Фотима ҲАҚБЕРДИЕВА,
Самарқанд область Нарпай районидаги «Октябрь» колхозининг боғдорчилик бригадаси бошлиғи.

Сўз—ҳосил бунёдкорларига

МЕҲР БИЛАН АРДОҚЛАДИК

БАЪЗИ давраларда менда: «Мана, сизлар ҳар йили планни ҳам, мажбуриятни ҳам киска муддатда бажариб кўясизлар. Ҳосилдорликни ҳам йилдан-йилга ошириб борясизлар. Бунинг сири нимада?» — деб сўраб қолишади. Очиғини айтганда, бунинг ҳеч кандай сири йўқ. Кўп йиллардан бери хўжалигимиз мисолида бир нарсани яхши биламан. Коллективимиз аъзолари ўз ишларига жуда меҳр билан қарашади.

Бу йил жонажон СССРимизнинг қутлуғ 60 йиллигини байрам киламиз. Бу жуда улуғ тўй. Эрта баҳордаёқ пахтакорларимиз ҳосилдорликни 40 центнерга етказамиз, деган максадда далага чикишди. Бугун шу максадга етдик. Шунингдек, дон, пилла, сабзавот, узум, гўшт, сут, тухум, жун етиштириш ва давлатга топшириш бўйича йиллик план топшириқларини ҳам ортиғи билан бажардик. Мамлакатимиз тўйи, ғалаба ёруғ юз билан келдик, десак бўлади.

Биз ҳамма ишларни социалистик мусобақа асосида ташкил этамиз. Колхоз правленеси, партия ташкилотининг кўчма Кизил байроғи, кўчма вимпеллар, мукофотлар ерни экишга тайёрлашчигит экиш, уни уғдириб олиш, ғўза парвариши, пахта йиғим-терими, боринги, хамма давраларда доимий харакатда бўлади. Чунки, хар лаҳонинг ўз ялтоғлари бор.

Мавсумда 12 тоннадан пахта териб берган чевар кизларимиз М. Рахмонова, З. Тошболтаева, Г. Ботировалар, ҳосилдорликни 45 центнердан ошириб юборган И. Мусаев, М. Мамадалиев, А. Абдуқодировлар бошчилик қилаётган бригада коллективлари колхозимиз шуҳрат китобига ёзилдилар. Ҳуллас, колхозимиз меҳнаткашлари ҳар бирининг зиммасига юклатилган вазифанинг катта-кичиклигига қарамай ўз ишига меҳр қўйиб меҳнат қилишлари, кўзлаган максадлари сари бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилишларини кўриб, кувончим ичимга сиғмай кетади.

Ҳозир хўжалигимизда келаси йилда амалга оширилажак режаларимизни аниклаб олдик. Эндиги вазифамиз гектаридан 45 центнер ҳосил олиш учун кураш бўлади.

М. УМАРОВА,
Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СУТ БУЛОҒИНИ ТОШИРИБ

Эрталаб нонуштага дастурхонда чуштаъм қуюқ қаймок ёки хушбўй қайноқ сут бўлишига не етсин! Пархез ва шифобахш махсулот — сут инсоннинг энг ардоқли таомларидан бири. Биз, «сок чашма» сохибалари халкимизнинг худди шу махсулотга бўлган талабини кондириш йўлида меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз. Республикамиз меҳнаткашлари СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллигини катта меҳнат тухфаси билан кутиб олишяпти. Биз— сут согувчилар ҳам ўз зиммамиздаги мажбуриятларни ортиғи билан уддалаш учун куч-ғайратимизни аямадик. «Оқ чашма» сохибаси деган номга яраша ишлаш, ҳар сигирдан 4000 килограммга етказиб сут согиб олиш осон эмас. Зеворки, хаётда осон йўлнинг ўзи йўк. Пахтакор ўлкамизда чорвачиликни ривожлантириш учун қилинаётган улкан ишлар бизни, айниқса, кувонтиради. Комплексларни бир келиб кўринг, мураккаб ва акллн механизмлар сут согувчининг чевар бармоқлари сингари бенуқсон ишлайди. жониворларга емишни ҳам, сувни ҳам шу механизмлар келтиради, ҳаммаёқ озода. Бу ерда ҳавас билан ишлайсан, киши!

Партия ва ҳукуматимиз биз, чорвадорларни махсулот етиштиришни йил сайин кўпайтириб боришга даъват этишяпти. Сут-товар фермамизда шу йил ўн бир ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан 20 тонна кўп сут етиштирилганлиги кувончлидир. Сут заводларига 550 тоннадан ортиқ серкаймок махсулот етказиб бердик. Бу меҳнат ютуғида ҳамкасбларим Зухра Исломова, Улуғой Давронова, Ўғилой Ғаффоровалар баракали ҳисса қўшишди.

Ҳозир чорвадорлар учун ғоятда масъулиятли давр — киш фаслида сигирларни яхшироқ боқиш, мўл сут согиб олиш учун катта куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Фермамиздаги барча ходимларнинг диққат-эътибори ана шуларга қаратилган.

Момогул УСМОНОВА,
Қазиш районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг сут согувчиси.

ИСТИҚБОЛ САРИ

Халқимизнинг яхши бир удуми бор. Улуғ байрам, шодиёна ва тўйларга муносиб тўёна билан борилади. Бугун республикамиз машъали бўлган Тошкентда, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг йил якунига бағишланган «Ҳосил байрами» ўтказилмоқда. Бу байрам ССР Иттифокининг 60 йиллик тўйи билан уланиб кетганлиги янада кувончимизга-кувонч қўшмоқда. Мазкур айёмга совхозимиз меҳнаткашлари ҳам арзигулик совга билан келдилар.

Шоликорларимиз, «СССРнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтган умумхалқ мусобакасига қўшилиб ишлаб. шолидан мўл ҳосил етиштирдилар.

97 гектар ернинг ҳар гектаридан 85 центнердан ҳосил олишга эришдик. Бу ўтган йилдагидан 3 центнер кўпдир. К. Матмуротов, А. Мурта зоев сингари комбайнчиларимиз зўр ғайрат кўрсатиб. кунига 10 —12 тоннадан шоли ўриб-янчдилар.

Хўш, буига кандай килиб эришдик? Бригадамизда ўзлаштириладиган ер йўк. Шолини факат ҳосилдорликни ошириш йўли билан кўпайтирямиз. Бизда ҳар қарич ер ҳисобда туради.

Бизнингча, ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири тупроқ тузлилигини тинмай яхшилаб бориш ва унинг унумдорлигини оширишдир. Бунинг учун минерал ва органик ўғитлардан, техникадан, барча ресурслардан самарали фойдаланиш. агротехниканинг бутун комплексини тўғри амалга ошириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ жорий этиш даркор. Келаси йил бу ишларни тўла-тўкис бригадамизда кўлланиб, ўз меҳнатимиз билан янги, ёркин манзиллар уфқини эгаллайверамиз.

Искандар САПАЕВ,
Боғот районидаги «Боғот» совхозининг Ленин орденли шолиқори.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

ЎЗБЕКИСТОН деҳқонлари яратган ҳосил хаёлан бир ерга тўпланса, бу хирмоннинг маълум қисмини дон ташкил этган бўлур эди. Дон етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резерви республикамиз шароитида маккажўхори майдонларини кенгайтириш эканлигини ҳамма яхши билади. Айниқса 1982 йилда Ўзбекистон заминида битган маккажўхори ҳосили мисли кўрилмаган рекорд чўққиларга чиқиб олди. «Кахрабо дон» хирмонида бу экинни етиштиришга ихтисослашган совхозлар улуши баракали бўлди.

Бизнинг совхозимиз ҳам беш йиллиқнинг иккинчи йилида ана шундай эзгу ишга енг шимарди. Эрта баҳорда 700 гектар майдонга маккa уруғи ташланди. Айниқса, Ҳалим Раҳимов, Камол Турсунов, Амрулла Нуруллаев, Яҳё Умаров бошлиқ бригадаларда мўл ҳосил бунёд этилди. Биз ҳам ортда колмаслик учун интилдик. Бир далада икки бор ҳосил олиш йўлида меҳнат қилинганлиги туфайли юқорида мен санаган коллективларда дон ҳосилдорлиги 120 —130 центнерни ташкил этди, ҳар гектар майдон 650 центнердан силосбоп кўкпоя берди.

Шу шодиёна дамларда зўр шоду ҳуррамлик билан айта оламизки, элга берган ваъдани шараф билан уддаладик. Совхозимиз дастлабки йилда 5640 тонна маккажўхори дони хирмонини яратди. Бу пландагидан 1930 тонна кўп демакдир. Бу йил совхозимиз қутлуғ ном — «СССР 60 йиллиги» номи билан аталмоқда. Биз ана шу юбилейга муносиб армуғон ҳозирлаганимиз билан чексиз фахрланамиз.

Раҳима ЭРГАШЕВА.
Бухоро область Пешку районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг боғчада бошлиғи.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг Ҳадича Ҳасанова бошлиқ бригадаси соҳибкорлари узумдан юқори ҳосил етиштирдилар. Улар эл дастурхонига кўплаб ширин-шакар узум ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришди.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Х. Ҳасанова.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

20 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Сеҳрли бола». Телевизион бадиий фильм.
11.10 «Альтернатива». Дунё олимлари ядро ақлсизлигига қарши.
12.10 Янгиликлар.

* * *

17.45 «Ёшлар адреслари».
18.45 «Духовой оркестр садолари янграйди». Фильм-концерт премьераси.
19.30 «Дунё болалари расм чизадилар». Ереванда олиб кўрсатилади.
19.45 «Беш йиллик. Ишлар ва одамлар».
20.15 Н. Погодин. «Кремль курантлари». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.15 «Кремль курантлари» фильм-спектаклининг давоми.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Шанба ва якшанба». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.10 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 19.20 «Сиз бунга қодирсиз». 20.05 «Миллионлар университети». В. И. Ленин Марказий музейи ҳақида ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Огир атлетика бўйича СССР кубоги. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.15 «Қиш тароналари». Концерт. Таллиндан олиб кўрсатилади. 22.35 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. Финляндия — Швеция терма командалари. 2- ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Қўғирчоқбоз».
12.00 «Моҳир қўллар». Телефильм.
12.30 География. СССРда транспорт.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Эртак бошланади», «Сепкилвой каникулда бувисиникига боради». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Ижод саҳифалари. Йўлдош Шамшаров». Ўзбекистон халқ ёзувчиси туғилган кунинг 75 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон композиторларининг Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ижроси учун ёзган янги асарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Совет Иттифоқи элчиси». Бадиий фильм.
23.40 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.

СЕШАНБА

21 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.15 Болалар учун фильм. «Ҳақиқий карнайчи эди».
11.25 «Д. Бедний — революция куйчиси».
12.20 «Саксониячи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
13.25 А. Бородин. 2-симфония. [«Қаҳрамонлик»]. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижро этади.
13.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ҲАМДА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ.
Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Шанба ва якшанба». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.10 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 19.20 «Сиз бунга қодирсиз». 20.05 «Миллионлар университети». В. И. Ленин Марказий музейи ҳақида ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Огир атлетика бўйича СССР кубоги. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.15 «Қиш тароналари». Концерт. Таллиндан олиб кўрсатилади. 22.35 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. Финляндия — Швеция терма командалари. 2- ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Математика. Ифодаларни соддалаштириш.
12.00 «Жонланган дарахт». Телефильм.
12.30 Адабиёт. Адабиётимизнинг бугунги камолн.
13.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
13.55 Москва. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ҲАМДА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ.
Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Айиқлар ва қўшнилар». Мультфильм.
18.20 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар» [такрорий].
18.40 «Дўстлик хороводи». Болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг чиқиши.
19.10 «Миллионлар ленинча университети». «Ҳозирги замон шароитида СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигини янада мустаҳкамлашда КПССнинг роли».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Шеърият билан учрашув».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номли ҳизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.30 «Тошкентнинг олтин кузи» I Бутуниттифоқ санъат фестивали. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
24.00 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

22 ДЕКАБРЬ
ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
10.30 Н. Погодин. «Кремль курантлари». Фильм-спектакль.
13.10 «Дўстлик хороводи». Иттифоқдош республикалар болалар ёдиий коллективларининг чиқиши.
13.55 СССР ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. Информацион курсатув.

* * *

15.30 СССР ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. Информацион кўрсатув.
15.45 Халқ кунлари.
16.00 «Жонажон ватанимиз бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.45 «Горичлар, қаердасиз!»
17.30 СССР ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. Информацион курсатув.
18.00 «Стадион ҳамма учун».
18.30 «Партия ишларимизнинг мангулигидир». Шеърий композиция.
19.05 «Дунё воқеалари».
19.20 «Ёқутистон қизи». Фильм-концерт премьераси.
20.00 СССР ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. Информацион кўрсатув.
20.15 «Биз олтмиш ёшдамиз». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.45 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган концерт.
21.30 «Время».
22.30 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. СССР—ЧССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Таннаффус пайтида [23.10] —«Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Биз БАМни қурямиз». 19.15 Энергетиклар кунига. Телевизион очерк. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 21.30 «Время». 22.30 «Ҳаммаси учун жавобгар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.30 А. Твардовский. Поэмалар. РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Золотухин ўқийди.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Очил дастурхон ҳақида эртак».
12.30 Химия. Минерал ўғитларни ишлаб чиқариш.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Бугун туғилган кун». Мультфильм.
18.20 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёзувчи Х. Тўхтабоев билан учрашуви.
19.00 «Бугун — Энергетиклар куни».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Кўрсатувда Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитетининг биринчи секретари В. П. Есин иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Навоий область қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланган кўрсатувнинг давоми.
23.45 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.

ПАЙШАНБА

23 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
10.05 «Ҳаммаси учун жавобгар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.10 «Горичлар, қаердасиз!».
11.55 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар.
16.20 «Шахмат мактаби».
16.50 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, Нобель мукофотининг лауреати, академик А. М. Прохоров мактаб ўқувчиларининг саволларига жавоб беради.
17.35 РСФСР халқ артисти В. Третьяков чаладн [скрипка].
18.25 «Миллионлар ленинча университети».
«Меҳнат — жамият — инсон».
«Иқтисодий тарбия».
18.55 «Ананси». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Чин қалбдан». Кузнецк металлургия комбинатининг меҳнаткашлари билан учрашув.
21.30 «Время».
22.30 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун биринчи концерт.
23.05 «Рус музейи». И. Репин.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 И. Липницкий ва А. Гур баянчилар дуэти чалади. 19.10 «Поэзия». Рафаэль Альберти. 20.00 Спорт ҳафталиги. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Дўстларимиз чеҳраси». 21.30 «Время». 22.30 «Ҳаммаси учун жавобгар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.35 Волейбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Уралочка» — «Динамо» [Москва]. «Динамо» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Уйлаб топ!» [такрорий].
12.00 «Тоза доска». Телевизион бадиий фильм.
12.30 Зоология. Урта Осиёнинг судралиб юрувчилари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Жасур Робин Гуд». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшларнинг меҳнат дастхати». Меҳнат чораги якунларига.
18.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Ёрдамчи хужаликлар кенг қулоч ёйсин».
20.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек халқ қўшиқларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.30 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 Янгиликлар.

ЖУМА

24 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
10.05 «12 саёҳатчи». Г. Х. Андерсен эртаклари мотивлари асосида. Болгариядан олиб кўрсатилади.
10.30 «Ҳаммаси учун жавобгар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.35 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари:
«Михдан бошлаймиз».
«Денгиз мангу яшаши керак».
«Сувсарнинг ранги қанақа!».
12.35 Р. Шведрин асарларидан концерт.
13.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Украина ССР ташкил топганлигининг 65 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар:
«Бу — Украина».
«Чеварлар».
«Весна»нинг саҳий экинзори».
16.20 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
17.20 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». Олмаота область Жамбул районидаги 23-ихтисослаштирилган қишлоқ ҳунар-техника билим юртида қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ҳақида.
17.50 «Бўратино кўргазмаси».
18.20 «Экономика тежамли бўлиши керак». Трубопровод транспортини ривожлантириш ҳақида.
18.30 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Баҳайбат осмон». Мультфильм премьераси.
19.45 «Фан оламида». СССР Фанлар академиясининг қўшма юбилей сессияси.
20.15 «Музика ҳамма учун».
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». Кўрсатувни Марказий телевидениенинг снёсий шарҳловчиси Л. А. Вознесенский олиб боради. 19.20 Э. Колмановский қўшиқларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Кристалинская ижро этади. 19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Сизни кема командири табриклайди», «Боғ ярат». 21.30 «Время». 22.05 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар премьераси. 22.55 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» [Москва] — МАСК. Каунасдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Валерка, Рэмка плюс...» Телевизион бадиий фильм.
12.00 «Дарё». Телефильм.
12.30 Биология. Органик оламнинг ҳозирги замон системаси.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун фильм. «Қўлга тушган камалак».
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.00 «Ораста кийинайлик».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Муз исканжасида». Манзарали телефильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 2-серия.
23.15 Янгиликлар.

ШАНБА

25 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «АБВГДейка».
10.05 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.35 «Спортлото»нинг 52-тиражи.
10.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.15 Жанубий Африка Африка миллий конгресси «Амандла» ансамблининг чиқиши.
12.00 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
12.45 «Инсон. Ер. Коинот».
13.30 «Рус музейи». В. Серов.
14.00 «Дунё воқеалари».
14.15 «Юмороқозиқ карнавалда». Мультфильм.
14.20 Сиесий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
14.50 Болалар учун фильм «Сен билан енма-ен».
16.00 «Адресимиз— Совет Иттифоқи». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган дўстлик телевизион музикали эстафетаси.
17.40 «Ҳайвонот оламида».
18.40 «Москва — Сортировочная» делосида СССР халқ артисти Е. Светланов раҳбарлигидаги СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти.
19.20 «9-студия».
20.20 «Цирк маликаси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Цирк маликаси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.20 Бокс бўйича СССР мутлақ чемпионати. Финал. МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталаки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 «Кекса авлод». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.20 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.50 «Девордаги сурат». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар. 13.45 «Озиқ-овқат программаси— умумхалқ иши». «Ўрмон инъомлари». 14.10 «Тошкентнинг олтин кузи». I Бутуниттифоқ санъат фестивали. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 15.25 «Бугун сизникида тўпланамиз». 16.40 «Қувноқ стартлар». 17.25 Халқаро обзор. 17.40 Р. Вагнер. «Тристан ва Изольда» операсидан симфоник парчалар. 18.00 «Ёш келин-куёвлар телевизион клуби». 19.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» [Москва]. — «Жальгирис». 19.55 «Музикали киоск». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 В. Розов. «Ҳаёт саҳифаси». Телевизион спектакль. 23.35 Белоруссия ССР халқ артисти З. Бабий концерти.

● ЎзТВ I

9.55 Курсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Болалар учун телевизион театр. «Чиранчиқ қўёнча». И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.15 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопублицист экрани».
12.00 «Қизил елканлар». Бадиий фильм.
13.25 «Шахмат мактаби».
13.55 «Халқ мулкини ардоқланг» [рус.].

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик экрани». «Табрикларимизни қабул этинг». Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси.
18.00 «Сариқ тумшуқли Пики». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Кўрсатувда Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари Х. Умаров иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Фарғона область қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланган кўрсатувнинг давоми.
23.20 Олий лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Тошкент] — «Дорожник» [Олмаота]. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж [ёзиб олинган].
23.50 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

26 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Полесье Давлат «Ленок» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.20 «Будильник».
10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.50 «Здоровье».
12.35 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.05«Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан».
13.20 «Қишлоқ янгиликлари».
14.20 «Музикали киоск».
14.50 «Балли, қизлар». Маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг мусобақаси.
16.50 «Киносаёҳатчилар клуби».
17.50 Болалар учун фильм. «Ўғил болалар — ёмон одамлар эмас».
18.50 «Халқаро панорама».
19.50 Юмор кечаси.
21.30 «Время».
22.05 Футбол шарҳи.
22.35 «Олмаота дўстларни кутиб олмоқда». Концерт. Олмаотадан олиб кўрсатилади.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!» 9.20 «Қишки киноэтюд». 9.30 «Сизга манзур шеърлар». 10.00 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 10.55 Ф. Мендельсон-Бартольди. Ля мажор симфонияси [Итальянча]. 11.25 «Нима! Қаерда! Қачон!» Телевизион викторина. 12.25 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 13.10 «Салют, пионерия!» Ашхобод шаҳар Пионерлар саройи болалар бадиий коллективларининг чиқиши. 14.10 «Альтернатива». Дунё олимлари ядро ақлсизлигига қарши. 15.10 «Красногорск чангиси». Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 10 км. Хотин-қизлар. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 15.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.20 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-фильм. «Интиҳон». 17.50 Ёшлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР —АҚШ терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.15 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 20.00 «Етти тепаликда». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Красногорск чангиси». Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 30 км. Эркаклар. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Ижарачилар». Телевизион бадиий фильм [ЧССР]. 23.15 Ёшлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Норвегия терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Ўзбекистон — қўшиғим менинг». Фильм-концерт.
10.30 «Оналарнинг мактаби».
11.00 «Пойга автомобилларидаги довюрак йигитлар». Бадиий фильм.
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
13.10 «Ҳовлидаги стадион» [рус.].
13.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» [такрорий].
14.25 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» [рус.].
15.00 Реклама.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Бойчечак».
18.35 «Мультипанорама». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Медео». Манзарали телефильм.
20.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан репортаж.
20.30 «Ахборот».
20.50 Муножот Йўлчиева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Рингга чақирилади». Бадиий фильм [«Ўзбекфильм»].
23.25 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Тошкент] — «Локомотив» [Харьков]. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж [ёзиб олинган].
23.55 Кўрсатувлар программаси.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1- ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — автотракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва ремонт қилиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ — қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича инженер-электриклар тайёрлайди;

МАШИНАЛАР РЕМОНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ — автотракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари ремонти бўйича, ремонт корхоналарини лойиҳалаш бўйича, машиналар учун асбоб-ускуналар ва қурилмалар конструкцияси бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — экскаваторларни, бульдозерларни ва бошқа қурилиш ҳамда мелиорация машиналарини ремонт қилиш ва ишлатиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — мелиорация системаларини, ирригацион ншшоотлар ва гидроэнергетика узеллари соҳасида қидирув, лойиҳалаш, қурилиш ва ишлатиш бўйича инженер-гидротехниклар тайёрлайди;

ЕР ТУЗИЛИШИ — колхозлар, совхозлар территорияларини ташкил этиш ва давлат ер фондини тақсимлаш ҳисоби бўйича инженер-ер тузувчилар тайёрлайди.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ЭКОНОМИКАСИ — сугориладиган деҳқончилик зонасида сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш масалалари бўйича инженер-экономистлар тайёрлайди;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлар учун инженер-механик-ўқитувчилар тайёрлайди.

Сиртқи факультетга ёшидан қатъий назар, таълим соҳаси бўйича ўрта-техник маълумотга эга бўлган ёки танланган мутахассислик бўйича камида олти ой ишлаган ва ўрта маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Корхона, совхоз, колхоз, муассаса ва ташкилотлар томонидан кирувчининг иш характерига мос келувчи ихтисос бўйича йўлланманг ҳамда ягона формадаги йўлланмага эга бўлганлар қабул қилишнинг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Совет Армияси сафларида запасга бу йил бўшатилганлар конкурсда танлаган ихтисоси бўйича зарур стажга эга бўлганлар билан баробар қатнашадилар.

Кириш имтиҳонлари ўрта мактаб программасига мувофиқ математика (ёзма, оғзаки), физика (оғзаки), рус тили ёки ўзбек тили ва адабиётдан (иншо) ўтказилади.

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан битирганлар ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳамда ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳолар билан битирганлар математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар. Имтиҳонни «беш» баҳога топширганлар кейинги имтиҳонлардан озод қилинадилар.

Танлаган ихтисосини кўрсатган ҳолда ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: иш жойидан партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхона ёки колхоз раҳбари томонидан берилган характеристикатавсиянома, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчасининг корхона, муассаса, колхоз раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси, 286-формадаги медицина справкаси.

Тошкентдаги институт қошида ва Қарши, Янгиер шаҳарларидаги филиаллар қошида, Самарқанд, Қўқон, Нукус шаҳарларидаги ўқув-консультация пунктларида ва Урганч шаҳридаги умумий техника факультетида пуллик кечки тайёрлов курслари ишлай бошлади.

Ўқиш ҳақи — 24 сўм.

Аризалар 1983 йил 15 январгача қабул қилинади.

ИМТИҲОНЛАР ОЛДИДАН УТКАЗИЛАДИГАН КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР — 1983 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Кириш интиҳонлари 31 январдан 15 февралгача.

СТУДЕНТЛАР САФИГА ЕЗИШ 16 ФЕВРАЛДАН.

Аризалар институтда, филиалларда ва ўқув-консультация пунктларида қабул қилинади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзов кўчаси, 39-уй, институтнинг сиртқи факультети.

ФИЛИАЛЛАР ВА ЎҚУВ-КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

Янгиер шаҳри, 2-микрорайон, Саркисов кўчаси, 2-уй, институт филиали.

Қарши шаҳри, К. Маркс проспекти, 225-уй, институт филиали.

Қўқон шаҳри, Ленин кўчаси, 44-уй. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми.

Самарқанд шаҳри, Фрунзе кўчаси, 108-уй.

Нукус шаҳри, қишлоқ хўжалиги техникуми.

Урганч шаҳри, 4-микрорайон, Гурлан кўчаси, институтнинг умумий техника факультети.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ПРОФЕССИОНАЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

шунингдек, газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларини сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЕШГАЧА (ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар — 23 ёшгача), **8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш интиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЁР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг — ГУМ, «Гастроном», республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 процентн).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10 11-синфлари ишлайди.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, А. Икромов районн, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30.

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-24, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуш бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-45 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашри